



ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МУЛОҚОТ ТАЛАБЛАРИ

Холикова Дилнавоз Алиматовна - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси ҳарбий таълим муассасалари педагог кадрларининг малакасини ошириш Маркази доценти филология фанлари номзоди, доцент

Мирзакаримзода Алишер Мирзовали - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси ҳарбий таълим муассасалари педагог кадрларининг малакасини ошириш Маркази тингловчиси

Резюме: ушбу мақолада ҳарбий таълим жараёнида мулоқотнинг ўрни, уни инсонпарварлаштиришнинг ўзига хос талаблари таҳлил қилинган. Қардош халқларнинг мулоқот талабларидағи умумийлик ва унинг ижобий жиҳатлари борасида фикр юритилган. Ҳарбий таълим муассасасида курсантларнинг муомала маданияти, ўзаро муносабатларни такомиллаштириш омиллари ўрганилган.

Калит сўзлар: ҳарбий таълим, таълим жараёни, мулоқот маданияти, мулоқотнинг инсонпарварлаштириш, муносабат талаблари, қардош халқлар, мулоқот талаблари, ҳарбий таълим, курсант, муомала маданияти, ўзаро муносабатлар, такомиллаштириш омиллари.

Замонавий ҳарбий муносабатлар, инсониятнинг муштарак глобал муаммолар ҳарбий таълим тизимида ҳам янгича ёндашувлар, қарашларни келтириб чиқарди. Бугунги кунда марказий Осиёда бўлаётган ҳарбий вазият ўз-ўзидан қўшни давлатлар бирдамлиги, ўзаро баҳамжиҳатликни талаб этмоқда. Хусусан, бу ҳарбий таълим жараёнида ҳам ўзининг ижобий натижаларини кўрсатади.

Ҳарбий таълимни инсонпарварлаштириш таълим-тарбия жараёни иштирокчилари ўртасида инсоний муносабатлар, курсант шахсига ҳурмат билан муносабатда бўлишга асосланади. Инсонпарварлаштириш бутун ўқув жараёни, унинг мазмуни, ташкил этилиши, ижтимоий-психологик ва дидактик қўллаб-қувватлаши ва пировардида, ҳарбий хизматчининг ижодий шахсини,



унинг инсоний фазилатларини ривожлантириш шарти сифатида янгиланишнинг муҳим омилидир.

Замонавий ҳарбий мутахассис учун касбий маълумот билан бир қаторда касбий ва ишбилармонлик ҳамда ижтимоий-коммуникатив компетенция алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу офицернинг касбий ва ижтимоий-маданий билимлари, фан ва ижтимоий-маданий билимлар соҳасидаги алоқаларни ташкил этиш ва оптималлаштириш қобилиягини англатади.

Ҳарбий таълим муассасаларидаги ўқув тизими коммуникатив фаолиятга қодир юқори малакали мутахассисларнинг чиқарилишини таъминлаши керак. Замонавий илмий ва услубий адабиётларда офицер нутқини такомиллаштириш ҳар қандай мутахассисликни ўқитишида профессионал аҳамиятга эга бўлиши кераклигини талаб этади[1]. Ушбу қоида нутқ маданияти билан боғлиқ фанларнинг ҳарбий таълим муассасаларида ўқитишининг мазмуни ва ташкил этилишига оид бир қатор масалаларни қайта кўриб чиқишга имкон беради. Ҳарбий таълим муассасаларида курсантларининг нутқ маданиятини шакллантириш коммуникатив ва нутқ қўнималарини ҳамда турли хил коммуникатив вазиятларда тўлиқ, уйғун лингвистик матнларни яратиш ва тушуниш қўнималарини шакллантиришга асосланади.

Маълумки, ҳарбий касбий муҳит расмий услубига асосланган ёпиқ субмаданият кўринишида бўлиб, бунда алоқа стандартлари маҳсус Низомларнинг моддаларига мувофиқ қатъий белгиланади. Офицернинг нутқ маданияти ҳарбий соҳа вакили сифатида кўпинча алоқанинг ритмик (стандартлаштирилган) даражаси билан чекланади, аммо офицер ўз муҳитидан ташқарида одамлар билан оғзаки муносабатларга ҳам тайёр бўлиши керак. Бу борада офицер учун зарур бўлган алоқа стандартлари тил, ижтимоий меъёrlар (миллий урф-одатлар ва анъаналар) томонидан бошқарилади. Шу маънода айтиш мумкинки, қардош республикаларимиз Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Қозогистон Республикалари халқлари ҳар тарафлама, этник, диний, миллий анъаналари, миллий қадриятларимиз ҳам муштараклиги муомала муносабатларимиздаги уйғунлик офицер нутқи талабларига ҳам мос келади. Хусусан, тожик халқи миллий анъаналари ва ўзбекона қадриятларимизда ҳам умумийлик ҳарбий анъаналаримиздаги ўхшашликлар муомала стандартлари бир хиллиги ҳарбий таълимда ҳам ёндашувлар умумийлигини таъминлайди. Шу маънода: офицерларнинг нутқ маданиятини такомиллаштириш зарурати бир-бирига боғлиқ бўлган бир қатор сабабларга кўра юзага келади ва уларни ўрганиш ҳар икки давлат ҳарбий таълими



такомиллашувига хизмат қиласи. Демак, кейинги йилларда ҳарбий таълим жараёнида:

1. Профессионал офицернинг нутқ маданияти турли хил маълумот моделлари билан ишлаш йўналиши, турли ҳарбий соҳа талаблари бўйича ўзгарди. Шу билан бирга, алоқа (оғзаки, ёзма) орқали олинган нутқ сигналларини кодлаш ва декодлаш вақти сезиларли даражада камайди.

2. Ҳарбий хизматчи давлат тузилмаси вакили сифатида бошқа ижтимоий груп аъзолари (адвокатлар, ўқитувчилар, шифокорлар, ишчилар, матбуот ходимлари ва бошқалар) билан оғзаки алоқа ўрнатиши ва олиб боришида ҳарбий хизматчига лингвистик, ахлоқий, коммуникативлик, эстетика такомиллашди.

3. Ҳарбий соҳадаги амалдор офицерларининг қўл остидагилар билан кундалик ўзаро муносабатлари борасида асосий вазифалар нутқ таъсирида ҳал қилинади ва бу борада “инсон омили”ни ҳисобга олиш ривожланди.

4. Ҳарбий таълимни инсонпарварлиги замонавий офицер кадрларга - демократия, ошкоралик ва бағрикенгликдаги бошқарув вазифаларини ишонтириш орқали ҳал қила олиш имконини берди. Ушбу янги ижтимоий муҳит шароити офицернинг нутқ маданияти характерини тоталитар жамият шароитига нисбатан анчагина ўзгартирди.

Бўлажак офицернинг нутқ маданиятини шакллантириш замонавий ҳарбий таълимнинг миллий-маданий, касбий тайёргарликка эга шахсни ривожлантиришга йўналтирилган шахсий таркиб билан ишлаш йўналишига тўғри келади. Офицерларнинг касбий тайёргарлигини инсонпарварлаштириш жараёни фақатгина ҳарбий-техник таълим муассасаларининг ўқув дастурларига у ёки бу гуманитар йўналишни механик тарзда киритиб қўйиш билан чекланмайди. Инсонпарварлаштириш мақсадлари ҳарбий мутахассиснинг таълим ва тарбия, зарур малака ва кўнглима билан уйғун шахсиятини шакллантиришга қаратилган бўлади. Шунинг учун таълим муассасасининг бутун таълим тизими, педагогик фаолиятнинг мазмуни, курсантлар билан ишлашнинг шакллари ва усуллари бунга йўналтирилган бўлиши керак. Шахсга йўналтирилган таълим-тарбия концепциялари бизга ҳарбий таълимнинг бутун тизими доирасида Ўзбекистон Республикаси курсантларини шахсий, жисмоний, ижтимоий-маънавий жихатдан ривожлантириш масаласини кўриб чиқишига имкон беради. Профессионал ҳарбий нутқнинг асосий вазифаси бу таъсир қилишdir. Ушбу нутқ функцияси кадрлар билан ишлашда, раҳбарлик ва буйруқ беришда кенг қўлланилади.



Нутқ маданияти жамият маданий тараққиёти, миллат маънавий камолотининг муҳим белгисидир[2]. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги 167-І-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонуни, «Таълим тўғрисида»ги конуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва бошқа ҳужжатларида маънавий-маърифий тарбия, тил масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ҳар қандай кадр, энг аввало, ўз она тилининг чинакам соҳиби бўлмоғи лозим.

Бугунги дунёда алоқа мақсадида тилдан фойдаланишни талаб қилмайдиган интеллектуал касбни тасаввур қилиш қийин. Мулоқотни тўғри қура олиш, ўз нуқтаи назарини ишончли, изчил қўллаб-қувватлаш, фикрларни қизиқарли ифода этиш - бу бўлажак офицер, менежер, маъмур, журналист, сиёсатшунос учун зарур бўлган кўникмалардир[3]. Айниқса, бундай билим ҳарбий хизматчи учун жуда зарурдир. Чунки ҳарбий хизматчилардан кенг умумий маълумот, ақл, маданият, юқори ахлоқий фазилатлар, мулоқот маданияти ва касбий маҳорат талаб этилади. Бугун ҳарбий хизматчи умумий маълумотга эга бўлган шахс бўлиши керак, чунки у одамлар билан, ҳамкаслар билан доимий алоқада бўлади. Шу сабабли ҳарбий хизматчининг профессионал фаолиятда нутқдан фойдаланиш кўникмаларини шакллантирадиган риторик тайёргарлик ҳам зарур бўлиб бормоқда.

Юқорида таъкидланган масалалар ҳар икки давлат армиясида ўзаро муносабатларни шакллантиришда, қолаверса ҳарбий таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиласди. Курсантлар билан мулоқотда инсоний муносабатлар талаби ва ўзаро ишончни ривожлантириш командирнинг бошқарув фаолиятини ҳам осонлаштиради. Таъкидлаш жоизки, ҳарбий педагогикада жамоани бошқариш, таълим сифати, натижадорлигини оширишда ўзаро муносабатларни инсонпарварлаштирилиши муҳим воситадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005.
2. Бекмирзаев Н. Нутқ маданияти ва нотиқлик асослари. Фан. 2007.
3. Муҳаммаджонова Л. Нотиқлик санъати. Т., Университет, 2007.
4. Исаев И.Ф. Профессионально-педагогическая культура преподавателя: Учебное пособие для вузов / И. Ф. Исаев. – М.: Академия, 2002.